

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

297 Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
26 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981-1*

(2010 йил 5 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда) ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 29-сон, 332-модда) мувофиқ, шунингдек олий таълим муассасалари талабаларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ҳамда баҳолаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2009 йил 11 июндаги 204-сон буйруғи (рўйхат рақами 1981, 2009 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 330-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Б. ХОДИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 август,
333-сон

Ўзбекистон Республикаси
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
2010 йил 25 августдаги 333-сон буйруғига
ИЛОВА

**Олий таълим муассасаларида талабалар билимини
назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги
низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банд учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Оралиқ назоратининг сони (бир семестрда икки мартадан кўп ўтказилмаслиги лозим) ва шакли (ёзма, оғзаки, тест ва ҳоказо) ўқув фанига ажратилган умумий соатлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланади».

2. 11-бандда:

учинчи хатбошисидаги «15» рақами «30» рақамига алмаштирилсин;
тўртинчи хатбошисидаги «85» рақами «70» рақамига алмаштирилсин.

3. 12-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. 14-бандда:

«в» кичик бандидаги «56» рақами «55» рақами билан алмаштирилсин;
«г» кичик бандидаги «55» рақами «54» рақами билан алмаштирилсин.

5. 16-банддан «ва топшириқлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 18-банднинг биринчи хатбошиси «фан бўйича» деган сўзлардан кейин «бир семестрдаги» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 19-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«19. Фан бўйича жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланиб, ушбу фоиздан кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга киритилмайди.

Жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори баллни тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади ва бунда жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 ва ундан юқори фоиздаги баллни тўплаган талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади».

8. 23-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

9. 24-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«24. Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий баллининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўпланган баллари йиғиндиси 55 баллдан кам бўлса, у академик қарздор деб ҳисобланади.

Тиббиёт олий таълим муассасаларида семестр якунида фан бўйича жо-

рий, оралиқ ёки якуний назорат турларининг ҳар бири бўйича саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

10. 28-банддаги «ва профессор-ўқитувчи журналлари» деган сўзлар «журнали» деган сўз билан алмаштирилсин.

11. 29-банддаги «деканат» деган сўз «фан ўқитувчиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 32-банд қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Талабага имтиёзли диплом белгилашда унинг ҳар бир семестр якунидаги фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи ҳисобга олинади».

13. 33-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Талабаларнинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедралар, деканатлар ва ўқув-методик бўлинмаларда компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади».

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, Давлат солиқ қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати билан келишилган.

*Давлат тест
маркази директори*

Б. ИСМАИЛОВ

2010 йил 20 август

Халқ таълими вазири

А. МАРАХИМОВ

2010 йил 20 август

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРОМОВ

2010 йил 20 август

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

З. РУЗИЕВ

2010 йил 20 август

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

А. ЖАББОРОВ

2010 йил 20 август

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

Т. ҚЎЗИЕВ

2010 йил 20 август

Ташқи ишлар вазири

В. НОРОВ

2010 йил 20 август

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори*

Х. МУҲИТДИНОВ

2010 йил 20 август

*«Ўзбекистон темир
йўллари» ДАК раиси*

О. РАМАТОВ

2010 йил 20 август

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Б. ПАРПИЕВ

2010 йил 20 август

*Навоий кон-металлургия
комбинати бош директори*

Қ. САНАҚУЛОВ

2010 йил 20 август